

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 616-089:617.758.1-053

АЗИМОВ КОБИЛ РАВШАНОВИЧ

Болаларда кичик бурчакли ички гилайликнинг хирургик коррекцияси

5A510106 – Офталъмология

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:
Т.ф.д., профессор,
Юсупов А.А.

Самарқанд 2014 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	
1.1 Кузни ҳаракатлантирувчи аппаратнинг гилайликда анато- мо-физиологик хусусиятлари.....	7
1.2 Ички тугри мушак анато-мо-физиологик хусусиятлари.....	8
1.3 Яқинлашувчи гилайликни хирургик даволаш усуллари.....	13
II БОБ ТЕКШИРУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ	
2.1. Курув уткирлигини аниклаш.....	32
2.2. Рефракцияни аниклаш.....	33
2.3. Гилайлик бурчагини аниклаш.....	35
2.4. Курув характери-ни аниклаш.....	37
2.5. Конвергенцияни текшириш.....	39
2.6 Офталмоскопия.....	40
2.7 Натижаларнинг статистик таҳли-ли.....	41
III БОБ БОЛАЛАРДА ЯҚИНЛАШУВЧИ ХАМКОР ГИЛАЙЛИКНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ	
3.1. Ички тугри мушаклар миосутурацияси билан яқинлашувчи гилай- ликни тугрилаш усули.....	42
3.2. Болалардаги яқинлашувчи гилайликни ички тугри мушаклар рецессияси йули билан хирургик даволаш.....	48
3.3. Даволаш натижалари.....	52
ХУЛОСА	56
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	57

КИРИШ

Хамкор гилайлик болалар уртасидаги куз патологиялари орасида частотаси буйича иккинчи уринда туради (Т.П.Кащенко, В.И.Поспелов, С.Л.Шаповалов, 2005)[40] ва 0,5-3,5% болаларда кузатилади (Аветисов Э.С., Ковалевский Е.И., 1987; Азнаурян И.Э., 2005; Канюков В.Н 2006)[2]. Болалар куз касалликлари стационарларида беморларнинг 15-35% ни гилайлик билан касалланганлар ташкил килади (Бубен Л.Н., Гридюшко Е.М., 2005)[20].

Гилайлик косметик нуксон сифатида психологик жихатдан огирлиги билан бирга, бинокуляр ва монокуляр функцияларнинг жиддий бузилиши билан боради. Бу гилайлик билан касалланган беморларнинг курув фаолиятини кийинлаштиради ва касб танлаш имкониятини чеклайди.

Гилайликнинг олдини олиш ва йукотиш ҳамда йукотилган функцияларни тиклаш – болалар офтальмологларининг мухим вазифаси саналади.

Купчилик ҳолатларда аметропияни оптик коррекцияси, плеоптик ва ортопто-диплоптик даволаш гилайлик билан беморларни тузалишига олиб келишига карамасдан, 40- 60% болалар оператив даволашга мухтож (Кащенко Т.П. 1966)[36]; Аветисов Э.С; Ковалевский Е.И., 1987)[2].

Гилайлик хирургиясининг асосий принциплари куйидагилар билан характерланади «форсирланган аралашувлардан воз кечиш, операция эффектининг бир нечта мушакларга тугри таксимланиши ва шундай операция турларини танлаш керакки, мушак уз текислик йуналишини узгартирмаслиги ва куз олмаси билан ишончли боғлиқликда қолиши керак» (Аветисов Э.С. 1977)[1].

Биринчи операциядан кейинги ортотропия частотаси 40 дан 90% гача, реоперациялар частотаси 10-50% (Махкамова Х.М. 1965 [50]; Noorden G.K. von, 1972)[121]. Атроф туқималар чандикланишидан кейинги қайта операциялар қутилмаган натижаларга олиб келади (Кански Джек Дж., 2006)[31] ва бу билан

косметик ва функционал тузалиш максadini йукотади (Каркашина Е.В. 1991)[34].

Кузни харакатлантирувчи мушакларда операция дозаси масаласи гиперэффект хавфи борлиги учун хирург учун мухим ахамиятга эга.

Кузни харакатлантирувчи мушакларда операция гиперэффекти натижасида куз карама-карши томонга огиши мумкин – иккиламчи кайта гилайлик (узоклашувчидан сунг якинлашувчи ёки якинлашувчидан сунг узоклашувчи).

Бу масала айникса якинлашувчи гилайликда янада уткирлашади, чунки ички тугри мушак склерага лимбга жуда якин жойда бириккан ва кузни харакатлантирувчи системанинг мухим функцияларидан бири булган конвергенцияни бажаради. Шунинг учун бушаштирувчи операциялар (рецессия) купинча мушак тонуси пасайишига олиб келади, бу конвергенцияга манфий таъсир курсатади, мушак бирикиш жойи айланиш экваторидан силжийди, куз ретракция синдроми ва кайта узоклашувчи гилайлик ривожланади.

Сенякина А.С. (1977)[74], Ковалевский Е.И., Гусева М.Р.(1979)[43], Каркашина Е.В.(1991)[34] ишларида катта клиник материал асосида якинлашувчи гилайлик тугриланганда кайта узоклашувчи гилайлик ривожланиши 10 - 25% холатларга тугри келиши аникланган.

Охирги йилларда болалардаги тугма комбинирланган горизонтал-вертикал девиацияни оператив даволашда вертикаломотор мушакларда (купинча пастки кийшик мушакда) утказиладиган операциялар хажми кенгаймоқда. Пастки кийшик мушакни бушаштиришнинг турли усуллари кулланилмоқда, уларнинг айримлари кайта узоклашувчи гилайлик ривожланишига олиб келади. Cioplean D. ва Teodorescu D. (2004)[103] вертикал компонентли тугма эзотропияни тугрилашда пастки кийшик мушакда утказилган операция турига кура (рецессия ёки антериоризаци) 11- 60% холатларда кайта узоклашувчи гилайлик ривожланишини кайд килишган.

Бу масалани ечиш учун хирургик даволашнинг шундай усулини куллаш керакки, кузни харакатлантирувчи мушаклар биомеханикаси хусусиятлари сакланиши керак.

Кичик бурчакли якинлашувчи гилайлик махсус болалар богчасида даволаш курсини олган болаларнинг 46,5% да аникланади. Ортооптик даволаш эффективли ушбу гурух беморларида нисбатан юкори: 64,4% беморлар бифовеал кушилишлар олади ва 47,5% болаларга ортотропия килинади (Лохина Е.К. 1975)[48]. Болаларнинг ярмида консерватив даво таъсир килмаганда, операция килиш керак булади.

Ишнинг максади Якинлашувчи гилайликнинг кичик бурчакларини хирургик коррекциясининг эффектив, функционал ва кам травматик усулини ишлаб чиқиш.

Ишнинг вазифалари

1. Якинлашувчи гилайлик кичик бурчаклари анъанавий хирургик коррекцияси эффективлигини урганиш.

2. Миосутурация асосида якинлашувчи гилайлик кичик бурчакларининг орган саклаб қолувчи, кам травматик коррекцион операциясини ишлаб чиқиш.

3. Куз ички тугри мушаклари миосутурацияси ва куз тугри мушаклари рецессияси усулида якинлашувчи гилайлик кичик бурчакларини даволаш натижаларини қиёсий тахлилини утқазиш.

Илмий янгилиги Биринчи марта якинлашувчи гилайлик кичик бурчакларини коррекция қилишнинг комплекс этапли усули таклиф қилинган: ортооптик даволаш утқазиш, иккинчи этап ички тугри мушаклар миосутурацияси усулида орган саклаб қолувчи операция утқазиш, учинчи этапда миосутурация ва кейинги ортооптик даволаш натижа бермаганда ички тугри мушаклар рецессияси ёки гиперэффект бўлганда склеро-склерал чокни фиксация қилувчи мушакни олиб ташлаш операцияси утқазилади.

Ишнинг апробацияси

Диссертация СамМИ Умумий хирургия ва офтальмология кафедраси ходимлари йигилишида апробациядан утган.

Публикациялар

Диссертация мавзуси буйича 3 та макола чоп этилган.

Диссертация структураси ва хажми

Диссертация 70 та компьютерда терилган текстли саҳифадан тузилган, кириш, 3 та боб, натижалар, хулоса, адабиётлар руйхатидан иборат. Ишда 3 та жадвал ва 17 та расм келтирилган. Адабиётлар 133 та манбадан иборат, улардан 92 таси русча ва 41 таси чет эл адабиётлари.

I БОБ

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

1.1 Гилайликда кузни ҳаракатлантирувчи аппаратнинг анатомо-физиологик хусусиятлари

Кузнинг барча ҳаракатлари – бу куз олмасининг уз ичидаги айланиш маркази атрофидаги айланма ҳаракатидир. Дондерс ва Фолькман фикрича, кузнинг айланиш маркази курув чизигида шох парда чуққисидан 13,54 мм орқада жойлашган.

Кузнинг марказ атрофидаги ҳаркати куз мушаклари таъминлайди. Кравков С.В. уч жуфт мушакларни фарқлайди: ички ва ташки тугри; юкори ва пастки тугри; юкори ва пастки кийшик мушаклар. Бу мушакларнинг ҳар бир жуфти куз олмасини бир ук атрофида карама-карши томонларга ҳаркати бошқаради.

Ҳар қандай бир экстраокуляр мушак ёки экстраокуляр мушак жуфти алоҳида ҳаркати факат гипотеза йули билан тушунтириш мумкин. Чунки кузнинг ҳар қандай айланма ҳаракатида барча олтига экстраокуляр мушаклар иштирок этади. Антагонист жуфтлар тугрисидagi Бодер (1961) фикрини келтириш лозим [100]: «жуфтлар ҳар қандай вақтда навбатма-навбат уз теоретик мустақиллигини йукотиши ва бир айланиш уки билан ягона мушак бирлигига утиши керак».

Мушак бирлиги Листинг қонунига қура чексиз қуп айланма ҳаракатлар қилиши керак. Листинг қонунига кузнинг у ёки бу уқламчи ҳолатига бирламчи ҳолатидан утишида кузнинг айланиш маркази орқали утувчи ва курув чизиги бирламчи ва охириги ҳолати билан аниқланувчи текисликка перпендикуляр ук атрофидаги ҳаракати эвазига ҳаракат содир булади. Антогонист жуфтлар тахлили муҳим аҳамиятга эга, чунки бошқа экстраокуляр мушаклар тонуси ҳаракат вақтида куз титрашини олдини олишда керак булади.

Boeder P. (1961)[100] фикрича, антогонист жуфтлардан бирида таранглашиш ошиши, карама-карши жуфтда бушашиш юз бериши

кузатилади. Механика нуктаи назаридан караганда, бу узайиш мушакнинг кискаришдаги иштироки сифатида қаралиши керак. Мушаклар жуфти ҳаракатланганда куз бу иккала мушаклар уртасидаги уқ атрофида айланади.

Ушбу ҳолатни Gottrau P. de, Gajisin S., A.Roth (1994)[108] 25 та мурда кузларини текшириш давомида исботлашган. Лимб ва кузнинг тугри мушаклари бирикиш жойи уртасидаги масофа улчанган. Ҳар бир қарама-қарши мушаклар жуфти уртасидаги масофа индивидуал узгарувчанликка эга бўлган (горизонтал уқ $25,45 \pm 1,38$ мм; вертикал уқ $25,55 \pm 1,45$ мм), лекин ҳар иккала масофа уртасидаги фарқ доим 1 ($0,997 \pm 0,031$) га тенг бўлган.

Бу ҳолат куз олмасининг айланиш уқини сақлаб туришда муҳим ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, масалан, ички тугри мушак форсирланган рецессияда мушакнинг бирикиш жойи узгаради, бу эса вергент системада мувозанатни бузади ва қайта гилайликка сабаб бўлади.

Кузни ҳаракатлантирувчи кундаланг-таргил мушаклар ҳаракатида уларнинг улчамидан ташқари рычаг елкаси муҳим рол уйнайди, яъни мушакнинг бирикиш нуктасидан айланиш уқигача бўлган масофа. Тугри чизикли рычагда мувозанат, яъни икки қуч бир хиллигига эришиш учун бу қучларнинг рычаг елкасига босими (момент қуч) бир-бирига тенг бўлиши керак (Бернштейн Н.А. 1941)[17]. Биомеханиканинг бу қондасини гиперфункциядаги мушакни бушаштириш учун қуллаш мумкин.

Куз мушаклари ҳам скелет мушаклари қабил қалталашиш билан қискариши (изотоник қискариш) ёки қалталашишсиз қискариши (изометрик қискариш) мумкин. Изотоник қискаришда куз мушаги уз узунлигининг $1/4$ қисмигача қалталашиши мумкин (Аветисов Э.С., 1977)[1].

1.2 Ички тугри мушакнинг анатомо – физиологик хусусиятлари

Ички тугри мушак орбита қучқисидан бошланади, бу ерда бошқа тугри мушаклар ва юқори қийшиқ мушак билан пай қалқаси қосил қилади, у қурув қанали суяқусти қиргоғи билан мустаққам бирикқан. Қенг лента қуринишида ички тугри мушак олдинга орбита ички деворига параллел йуналади. Мушак

экваторида тенон капсуладан утади, у мушакни фасциал парда билан таъминлайди. Тенон капсула ва ички тугри мушак кинидан куз косаси ички деворига *retinaculum mediate* бойлами боради, уни операция вақтида мушакни ажратганда бузиш мумкин эмас, чунки кузнинг орбитадаги фиксацияси бузилиши мумкин (Аветисов Э.С., 1977)[1].

Канюков В.Н. (2005, 2006)[3] фикрича, хирургик нуктаи назаридан куз мушакларининг муҳим жойи уларнинг пайи склерага бирикиш жойи хисобланади. Бу ерда пайнинг бошка сохаларига караганда кон томирлар концентрацияси куп булади. Ички тугри мушак пайи сохасида склера калинлиги (222,7 мкм) ташкига караганда (236,4 мкм) юпкарок булади. Медиал тугри мушак пайи ташки томондан кон томирларга бой говак бириктирувчи тукима билан копланган. Бу ҳолатлар ички тугри мушакнинг склерага бирикиш жойидаги хирургик муолажаларни қийинлаштиради (мушак кесилганда склера перфорацияси хавфи, кон кетиш ва б.).

Медиал тугри мушакда пай ости бушлиги баландлиги уртача 44,5 мкм, бу унинг ичига инструментларни (крючок, шпатель ва б.) киритишда тукималалр қушимча травмасини олдини олади. Буни гилайликни операциясининг склерадан мушакни ажратмасдан авайловчи усулини ишлаб чиқишда эътиборга олинади.

Ковалевский Е.И. (1969)[44] ишларида исботлангандек, янги тугилган чакалоқда ички тугри мушак лимбдан 3,8 мм да бирикади, 10 ёшларгача бу масофа узайиб катталарникидек 5,5 мм булади. Мушакнинг узунлиги - $39,49 \pm 3,07$ мм (Х.М.Махкамова, 1970)[49].

Маълумки, мушак бирикиш нуктасининг экватор томонга силжитиш максимал катталиги 4 мм, ундан ошса конвергенция ҳолати бузилиши мумкин (Аветисов Э.С., 1977)[1].

Клиник амалиётда кузнинг конвергент ҳаракатларига катта эътибор берилади, чунки улар аккомодация билан биргаликда бинокуляр кури шва барча яқиндан куриш курув функцияси асосини ташкил қилади.

Конвергенциянинг учта тури фаркланади: тоник (кузни харакатлантирувчи мушакларнинг табиий тонусига боғлиқ), аккомодатив (аккомодация нисбий зурикиши билан ҳосил бўлади) ва фузион (фиксацияланган объект сурати иккиланишини олдини олиш учун бирлаштириш рефлексии билан таъминланади).

Фузион конвергенция бинокуляр куриш жараёнида асосий рол уйнайди, чунки ҳар бир куз тур пардаси фовеал соҳасида бир объект икки суратини тургун ушлаб туришни таъминлайди. Фузия ҳолатини баҳолашда мусбат ва манфий фузион резервлар катталиги ҳисобга олинади. Нормада ёшларда яқин масофада ишлаганда куйидаги фузион резервлар бўлади: мусбат - 25 пр. дптр., манфий - 19 пр. дптр. Узокдан куришда ушбу катталиклар кичикроқ 20,0 ($\pm 4,45$) ва 10 ($\pm 1,9$) пр. дптр бўлади (Кащенко Т.П., 1965[40]; по Аветисову Э.С., 1977)[1].

Фузион хусусият курув укларининг маълум чегарадаги яқинлашиши ёки узоклашишида сакланади. Бу чегаралар фузия амплитудасини билдиради, бинокуляр куриш мумкин бўлган конвергенция ва дивергенция максимал катталиги билан аникланади.

Фузион резервлар фиксацияланган объект узок масофа диапазонида – чексизликдан конвергенция энг яқин нуктасигача жойлашган монокуляр суратларини кушилишини таъминлайди ҳамда бундай кушилиш учун кушимча мушак кучларини саклайди (Аветисов Э.С., 1977)[1].

Шундай қилиб, фузион резервлар мавжудлигини операцияни дозалаш учун, айниқса ички тугри мушакда аниклаш лозим.

Тугма эзотропия болаларда 30-72% ҳолатларда вертикал компонентли бўлади (Wilson M.E., 1989)[133].

Бир катор олимлар фикрича (Wilson M.E., Parks M.M., 1989; Cioplean D., 2004[133] ва б.), юкори кийшик мушак парези (параличи) болалардаги горизонтал гилайликдаги вертикал компонентнинг ривожланишида асосий рол уйнайди. Юкори кийшик мушак функцияси йуқолиши натижасидаги мушак

дисбаланси Hering конунига кура, пастки кийшик мушак гиперфункциясига олиб келади, компенсатор гипертрофия юз беради.

Пастки кийшик мушакнинг анатомио – физиологик хусусиятлари.

Горбачёв Д.С. (1998)[23] пастки кийшик мушак анатомио-топографик хусусиятларини келтириб утган. Мушак текислиги ва сагитал текислик уртасидаги бурчак 59 градусга тенг. Пастки кийшик мушакнинг бирикиш жойи куз косаси пастки-ички бурчагидан 3-10 мм, куз косаси пастки киргогидан ички юзаси буйлаб 1-3 мм гача. ПКМ бевосита суякка бирикади, камдан кам холатларда суяк усти пардасига бирикади. Куз олмасига йуналиб ПКМ парабульбар клетчаткадаги канал оркали утади. Бу канал мушак кискарганда унинг эркин ҳаракатланишини таъминлайди.

Пастки тугри мушакни пастдан утиб, ПКМ куз олмасига йуналади, ва пастки тугри мушак билан кесишган жойида ундан горизонтал текисликда юкорида жойлашади. Бу кесишма куз олмаси пастки киргогидан 5-8 мм ва ПКМ нинг куз олмасига бирикиш жойидан 4-6 мм масофада жойлашади. Пастки тугри мушак ва ПКМ уртасида бир-бири билан бириккан фасциал толалар тутами булади. Бу бойламлар борлиги ПКМ кесилганда унинг кискариши ва йуқолишини олдини олади. ПКМ нинг кенглиги бошидан 7-12 мм гача 2-3 мм, пастки тугри мушакка яқинлашганда 5-6 мм га етади. Шундай қилиб, рецессия вақтида мушакни нотулик ушлашни олдини олиш учун мушакни кесишмадан сунг илмокка ушлаш керак, чунки бу ерда мушак ингичка компакт тутам бўлиб утади, склерага бирикиш жойида эса елпигич қуринишида таркалади.

Robert G. La Roche (2004)[111], утказган гистологик текширувлар шуни курсатадики, пастки кийшик мушак пастки тугри мушак билан кесишгандан сунг 2 хил толаларга эга булади (орбитал ва бульбар булак). Бу толаларнинг ажралиши операция давомида пастки кийшик мушакнинг нотулик кесилишига сабаб бўлиши мумкин.

Пастки кийшик мушак пайининг бирикиш узунлиги $8,3 \pm 1,9$ мм, унинг олдинги учи лимбдан $17.2 \pm 2,1$ мм масофада, орка учи курув нервидан $5,9 \pm 1,2$ мм масофада жойлашади.

Parks M.M. (1974)[125] 2600 та кузда пастки кийшик мушак бирикиши натижаларини тахлили натижасида шундай хулосага келганки, пастки кийшик мушак бир нечта бирикиш жойига эга булиши мумкин деган фикр нотугри, чунки мушак бирикиши бир текис эмас, ва мушак илгакка олинганда унинг барча толалари илгакка тушмайди ва бу кушимча бирикиш жойидек куринади. Бунинг олдини олиш учун мушакни пастки тугри мушак билан кесишмасидан дисталрокда ажратиш керак. Мушакни жуда эхтиёткорлик билан ажратиш керак, Локвуд бойлами ва пастки кийшик мушакни иннервация килувчи кузни харакатлантирувчи нерв шохини шикастламаслик керак, нерв пастки тугри мушак ташки киргоги буйлаб кетиб, пастки кийшик мушак билан кесишиш жойида пастки тугри мушакдан пастки кийшик мушакка бир ёки иккита шох билан утади.

Кийшик мушаклар янги харакат коцепцияси ишлаб чикилган фундаментал текширувлар шуни курсатадики, кийшик мушакларнинг кузни орбитада айлантериш уки нигохнинг хар кандай холатидан куз горизонтал айланганда узгаришсиз колади. Бу мувозанат кийшик мушакнинг пайи структурасига боглик, у куз олмасига кийшик бирикади. Елпигичсимон пайининг ички толалари аддукция вактида узаяди, ташки толалари эса калталашади, абдукцияда эса шунинг акси юз беради. Шундай килиб, мушакнинг контрактил кучи кузнинг горизонтал айланишига карамасдан кириш чизиги сохасида концентрланган холатда колишга харакат килади.

Айланма харакатлар куринарли ёки Y-симон ук атрофида харакатга ухшамайди, купрок латерал лимбда фиксацияланган нуктанинг харакатини эслатади. Кийшик мушакларнинг бундай кискаришида айланиш компоненти кузнинг барча харакатларида узгаришсиз колади.

Орбитада айланиш уки узгармаслиги сабабли, кийшик мушаклардан бирининг юкоридаги кискариши (антогонист мушаклар релаксацияси холатида) ук атрофида доимий айланишни келтириб чикаради, бу горизонтал текисликдаги Фиксация чизигига боглик булмайди. Бу билан офтальмоскопияда кийшик мушак парези натижасидаги циклодевиацияда fovea вертикал силжишини тушунтириш мумкин. Циклодевиациянинг бу объектив усулини von Graefe (1855-1866г) таклиф килган. Нормада fovea курув нерви диски геометрик марказидан утувчи горизонтал чизикдан пастда дискнинг диаметридан 0,3 масофада жойлашади. Инциклодевиация fovea курув нерви диски марказидан утувчи горизонтал чизикдан юкорида булганда аникланади. находится выше горизонтальной линии, проходящей через центр диска зрительного нерва. Эксциклодевиация fovea курув нерви пастки киргогидан пастда утувчи горизонтал чизикдан пастда жойлашади. Foveанинг хар бир куздаги жойлашуви фарк килиши мумкин, лекин курув нерви диски диаметри фарк килиши ва вертикал жойлашуви анормал хисобланади (Bixenmann W.W.J 1982). Ушбу текширув вертикал-горизонтал девиациянинг мураккаб холатларида кийшик мушак гиперфункциясини аниклаш имконини беради.

1.3 Якинлашувчи гилайликни хирургик даволаш усуллари

Гилайлик хирургиясининг асосий принциплари куйидагилар билан характерланади «форсирланган аралашувлардан воз кечиш, операция эффектининг бир нечта мушакларга тугри таксимланиши ва шундай операция турларини танлаш керакки, мушак уз текислик йуналишини узгартирмаслиги ва куз олмаси билан ишончли богликликда колиши керак» (Аветисов Э.С. 1977)[1].

Горизонтал гилайликни йукотишдаги барча операциялар нисбий равишда иккита катта гурухга булинади. Биринчи гурухга «гилайлашаётган» мушакни бушаштирувчи операциялар кирса, иккинчи гурухга антогонист мушаклар таъсирини кучайтирувчи операциялар киради.

Мушак таъсирини камайтирувчи операцияларга куйидагилар киради:

- а) тенотомия;
- б) мушакни узайтириш;
- в) рецессия (ретропозиция) ва уни куп сонли модификациялари.

Антогонист мушак таъсирини кучайтирувчи операциялар:

- а) мушакни калталаштириш, резекция килиш ва физиологик бирикиш жойига фиксация килиш;
- б) мушакни физиологик бирикиш жойидан олдинга кучириш - проррафия;
- в) бурма хосил килиш.

Операцияларнинг асосий усуллари модификациялари жуда куп, шунинг учун гилайлик хирургияси амалиётида кенг кулланиладиган турларига тухталамиз.

Тенотомия ва унинг форсирланган модификациялари hozirgi кунда бинокуляр куришни таъминловчи усуллар билан тугри келмайдиган камчиликлари туфайли кам кулланилади.

Стробологияда барча операциялардан энг машхури - рецессия (тугри мушаклар учун ретропозиция), яъни мушакларни оркага чекланган фиксация билан кучириш. Бу операция биринчи марта Pflugk (1905) томонидан таклиф килинган.

Кейинчалик хирурглар сайи харакатлари рецессия техникасини мукаммаллаштиришга каратилган. Хозирги кунда куплаб окулистлар рецессиянинг куйидаги техникасидан фойдаланишади: мушакнинг бирикиш жойидан 1-2 мм юкори ёки пастки сохасига иккита илмокли чок куйилади, мушак кесилгандан сунг чоклар склерага мушак харакат чизиги буйлаб кераклича масофада фиксацияланади (Аветисов Э.С., 1977)[1].

Рецессияда кесилган пайнинг склерага фиксацияси куз экскурсиясини чекламаслиги, конвергенцияни бузмаслиги керак. Ички тугри мушакни оркага 4 мм ортик кучирмаслик керак, бунда конвергенция жараёни бузилиши мумкин (Аветисов Э.С., 1977)[1].

Айрим олимлар ички тугри мушак рецессияси максимал чегарасини 6 мм (Pietruschka, 1965)[126] ва хатто 7 мм (Ковалевский Е.И., 1966)[42] деб келтиришган.

Лекин бир лахзали икки томонлама ички тугри мушак рецессиясида дозани эҳтиёткорлик билан танлаш лозим, кайта гилайлик ривожланишининг олдини олиш учун.

Бир катор олимлар фикрича ички тугри мушакнинг 1 мм рецессияси гилайлик бурчагини 5 градусгача тугрилайди. Ковалевский Е.И. (1969)[44] ва Pietruschka (1965)[126] 5 мм рецессия килинганда 7-10 градус эффект олиш мумкин деб бахолайди. Бляхер М.А. (1964)[19] курсаткичларига кура, ички тугри мушак рецессияси эффекти 5-45 градусгача булиши мумкин.

Рецессия бир хил усулида хар хил натижалар олинисини Аветисов Э.С., Махкамова Х.М. (1966)[3] шундай тушунтиришадики, операция эффектига хар икала куз бинокуляр куриш апаратининг харакат ва сенсор кисми уртасидаги корреляцион богликликлар мураккаб комплекси таъсир килади. Сердюченко В.И. (2006)[79] фикрича, эмметроп болалардан фаркли холда гиперметропияси булган болаларда кузнинг олдинги-орка уки 14 ёшгача узгаради. Бу гилайликнинг рецидиви ривожланишига сабаб булиши, ёки узок муддатда иккиламчи кайта гилайлик белгиси булиши мумкин. Россия офтальмологлари VII съездида келтирилишича, рецессияни аник дозалаш мумкин эмас, функционал кушимча коррекция доим килиниши керак (Кашенко Т.П., 2000)[38].

«Гилайлашган» мушакни узайтириш учун 1902 йилда Sydney Stephenson миопластикани таклиф килган. Операция шундан иборатки, мушак шундай йуналишларда кесиладики, кесилган киргокларни тикиш уни узайишини таъминлайди. Бунда мушак пайининг склерага бирикиш жойи узгартирилмайди. Кейинги барча модификациялар (Тетерина Т.П., 1966 [86]; Ковалевский Е.И., Певзнер В.В. 1966)[42] факат кесим характери билан фаркланади.

Я. Курц фикрича, миотомия операцияси оддий, кам огрикли ва тез килинадиган операция хисобланади ва кичик ёшдаги болаларга курсатма хисобланади.

Чавасс усулида операция килиш билан биргаликда Я. Курц классик оригиналидагидек мушакларни тулик кесмайди, балки Stephenson операциясидагидек мушакда бир-бирига карама-карши кийшик кесим утказди. Эффект дозаси кесим чукурлигига боглик булади. Ха бир кесим мушак энининг $\frac{1}{2}$ кисмидан ошмаслиги керак (Blaskovics-Kreiker, 1959)[96].

Миопластика операциялари натижаларини тахлил килиш шуни курсатадики, бу операция бир катор алохида хусусиятларга эга. Рецессиядан фаркли холда унинг бевосита натижалари кам. Ковалевский Е.И., Сорокина Р.С., Певзнер В.В. (1966)[42] маълумотларига кура яхши натижалар якин муддатда 50-60% холатларда олинган, Тетерина Т.П. - 62% (1966)[86]. Операция эффекти 6-12 ойдан сунг яхшилана боради.

Ушбу оператив муолажанинг иккинчи хусусияти шундан иборатки, бир лахзада икки томонлама миотомия килинганда яхширок натижага эришилади (Кокая З.В., 1963).

Миотомия типигаги оепарцияларнинг ижобий жихати бунда кайта гилайлик юзага келиши жуда кам кузатилади (Тетерина Т.П., 1966)[86].

Шунга карамасдан, миотомия операцияси рецессия каби машхур эмас. Бу оепарцияни дозалар кийинлиги, бевосита натижалари сустлиги ва бошка негатив жихатлари (мушак кискариш функцияси бузилиши, склерага бирикиб усиши, конвергенция сусайиши) билан боглик.

1972 йилда Вургафт М.Б. ва Смирнов В.Л., Поспелов В.И., Пеец С.А., (1999)[63] тугри мушак теноклеропластика операциясини таклиф килишган. Операция мазмуни шундан иборатки, мушак пайи мушакнинг бирикиш жойидаги склера юзаки каватидан олинган лоскут-парча билан узайтирилади. Бунда мушак куз олмасига бирламчи бириккан жойидан оркага кучирилади. Бу

усулнинг камчиликлари: склеранинг юпкалашиши, гилайлик кичик бурчакларида гиперэффект хавфи борлиги.

«Гилайлашувчи» мушак антагонистини таъсирини кучайтиришга қаратилган ўрта асосий операция турларининг (мушак бир қисми резекцияси, мушакни олдинга кучириш, бурма ҳосил қилиш) асосини факат битта белги ташкил қилади – мушакни қалталаштириш.

Мушак-антагонист таъсирини кучайтирувчи операциялар асосчиси Julis Guerin (1849) бўлиб, биринчи марта иккиламчи қайта гилайликни тугрилаш учун олдин тенотомия қилинган мушакни лимба олдинроққа кучиришни таклиф қилган. Бундан 6 йил ўтиб бу фикрни Critchett (1855) бирламчи гилайликни даволашда қўллаган. Унинг усули кейинги модификациялар асосини ташкил қилган. Critchett операцияси техникаси қуйидагидан иборат: конъюнктура вертикал қесилгач лимбдан 5 мм узокликда мушак склерага бириқиш жойидан қесилади ва ўрта чок билан лимб олдида конъюнктура остидан эписклерага фиксация қилинади. Шунини айтиб ўтиш керакки, антагонистни кучайтириш учун пайини қалталаштитириш ёки мушакни олдинга кучириш ўтган асрдан буюн теноррафия номи билан аталади. М.Н. Благовещенский (1934)[18] ва И.Э.Барбель (1959)[14] фикрича, бу икки турдаги операцияларни фарқлаш зарур. Мушакни олдинга кучириб ўтказишни проррафия (protophia) деб аташ, теноррафия термини билан мушак пайини бир қисмини резекцияси ва бирламчи бириқиш жойига фиксация қилишни аташ лозим. Прорафия оопарцияси мазмунини шундан иборатки, мушак-антагонист, бириқиш жойидан қесилса ёки қесилмаса ҳам олдинга лимбга силжитилади ва тикилади.

Кучириб ўтказишда олдиндан операцияни дозалаш М.Н.Благовещенский (1934)[18] фикрича, «мутлақо ноаникликдир».

Н.Kunz (1949) фикрича, 1 мм склера 5° га тугри қелади. Бу шунини билдирадики, «гилайлашувчи» мушакни 5 мм орқага кучириш ва антагонистини 5 мм олдинга кучириш гилайлик бурчагини 25° га қамайтиради

(Pietruschka, 1965)[126]. Фишер Е.М. фикрича, олдинга кучириб утказишнинг ҳар 1 мм гилайлик бурчагини 2^0 - 5^0 га камайтиради.

Операциядан олдин дозани аниклаш уз исботини топмагач, купчилик олимлар дозани операцион столда танлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашди (Вирник Л.Г., 1966)[21].

Олдинга кучириб утказишнинг эффективлиги асосан мушакни калталаштириш даражасига боғлиқ, лекин операция натижасига бошқа бир қатор факторлар ҳам таъсир қилишини рад этмаймиз. М.И. Благовещенский (1904)[18] фикрича, Muller (1893) текширувларига қура, кучириб утказилган мушак эски жойидан янги жойигача бўлган қисмида склерага қушилиб ушиб кетади, демак, мушакнинг ушбу учирилган қисми динамикада иштирок этмайди. Шундан Благовещенский М.И. ушбу операциянинг мақсадга мувофиқ эмас деган ҳулосага келади, чунки операция қилинаётган мушак пайини бир неча мм га резекция қилиш ва олдинги бирикиш жойига қайта тикиш қулайроқ деб ҳисоблайди.

Проррафия ижобий жihatларига қиради: қуз олмаси ҳаракати сакланади, қайта гилайлик ривожланиш ҳолатлари кам, операция вақтида дозалаш имкони борлиги (Аронов Д.М., 1937).

Проррафия камчиликларидан Аветисов Э.С. (1977)[1] эффекти камлигини келтиради. Бунда мушак шох пардага яқин тикилади, бу эса эписклерал чок қуйишни қийинлаштиради ва конъюнктива остида лимбада валик ҳосил бўлади. Тортилган мушакнинг нотугри фиксация қилиш айрим пайтлар қузнинг вертикал оғишига олиб келади.

Мушак бурмасини ҳосил қилиш операцияси ҳам узининг камчиликларига эга. Бундан бурмани чоклар билан фиксация қилиш қийин, куп ҳолатларда очилиб кетади, вақт утган сари бурма яна текислашади ва операция эффекти камаяди.

Операциядан сунг узок вақт конъюнктива остида тугунли буртма сакланади. Буни олдини олиш учун Kuper бурмани хосил қилишда уни мушак остида қолдиришни таклиф қилган.

Мушак таъсирини кучайтирувчи операциялардан энг яхшиси Muller (1893) резекцияси ҳисобланади.

Аветисов Э.С. (1977)[1] бу операциянинг қуйидаги техникасини таклиф қилган: мушак ажратилгандан сунг унинг остига иккита илгак киритилади. Улардан бирини мушакнинг бирикиш жойида қолдиради, иккинчиси максимал орқага тортилади. Мушак бирикиш жойидан 3-4 мм масофада унинг пайига лигатурали чок қўйилади. Игна мушак остига утказилади, унинг юкори қиргоғида ва мушакнинг урта ва пастки учлиги чегараси орқали утади. Кейин игна мушакнинг юкори ва урта учлиги чегарасида киритилади ва пастки қирғоғидан чиқарилади. Чокнинг бир учи илмок орқали чакка томонга утказилади, иккинчиси карама-қарши томонга. Чок тортилганда мушак пайининг ҳаммаси тугунга тушади.

Циркуль ёрдамида мушакни кесиш жойи аниқланади ва бриллиант яшили билан белгиланади. Шу жойда мушакка юкори ва пастдан 2 та чок қўйилади, мушак кенглигининг $1/3-1/4$ қисми олинади. Чоклар икки тугун билан боғланади.

Мушак пайи склерага бирикиш жойидан кесилади, ингичка чизик қолдирилади, ва уни фиксацион пинцет билан ушлаб турилади. Мушакка қўйилган чоклар пай чизигидан юкори ва пастки қирғоқларида утказилади ва бунда эписклера ҳам бирга олинади. Ассистент лигатура орқали мушакни бирикиш жойига тортади, хирург бу вақтда чок ипларини ўрта тугун билан боғлайди. Иплар тугун асосида ўзилади. Қолган мушак чултоғи кесилади. Конъюнктивал кесимга бир нечта тугунли чок ёки ипақдан ўзлуксиз чок қўйилади. Резекциянинг ижобий жихати мушакнинг физиологик бирикиш жойи сакланишидан иборат.

Мушак резекциясида шундай чегара сакланиши керакки, мушакда купол анатомик бузилишлар ва ҳаракат бузилишлари юз бермаслиги керак. Бунинг учун

ташки ёки ички мушак резекция қилинаётганлигига қараб мушак максимал 8-12 мм кесилиши керак (Белостоцкий Е.М. 1960[16]; Махкамова Х.М., Аветисов Э.С., 1966)[3]. Шунга қарамасдан, операция камчиликлари куз олмасини орбитага тортилиши сабабли куз ёригининг қисқариши, мушак қалталаштирилгандан сунг қайтарилмаслиги ҳисобланади.

Э.С.Аветисов, Х.М.Махкамова (1966)[3] яқинлашувчи гилайликда операцияни дозалаш схемасини таклиф қилишган, у гилайлик у ёки бу бурчагига кура рецессия ва резекция даражасини олдиндан аниқлаш учун ориентир бўлиб хизмат қилади. Лекин гилайликнинг кичик бурчакларида бу схема бўйича операция қилиш 10-20% ҳолатларда гиперэффектга олиб келади (Е.В.Каркашина, 1991)[34].

Кюпперс К. (1986)[47] фикрича, операцияларнинг классик усуллари, мушак кучини кучайтирувчи ва камайтирувчи деб нотутри номланади, чунки мушак кучига ҳеч қандай таъсир қўйилмайдиган.

Мушак кучини кучайтирувчи операциялар фақат мушак таранглигини (тонусини) оширади, бунинг натижасида мушак таъсир майдони кучиши (ёки узгармаслиги) билан биргаликда қисқариш эффекти ошади. Шунингдек, мушак рецессиясини «сусайтириш» деб номлаш нотутри. Бу ҳатто форсирланган рецессияда мушакнинг жуда сусайиши руй берсада, бундай номлаб бўлмайди. Тугрироғи бунда мушак қисқаришининг ротацион эффекти қамаяди. Бундан ташқари, форсирланган рецессия таъсири доимий бўлмайди. Мушакнинг ротацион хусусиятини дозали узгартириш учун Кюпперс фаденооперация ишлаб чиққан бўлиб, бунда мушак куз олмасига бирикадиган жойидан орқага қучирилиб фиксация қилинади.

Операция қўйидагича бажарилади: операция қилинадиган тугри мушак бирикиш жойидан ажратилади ва анча қисми ажратиб олинади. Кейин маълум масофада склера ва мушак қоринчасидан чок утказилади. Кейин мушак яна уз бирикиш жойига тикилади, склера ва мушак қоринчасидан утказилган чок

тортилади. Бу билан мушакнинг янги бирикиши ҳосил қилинади, натижада мушак қисқаришининг ротацион эффекти дозали камаяди.

Фаден-операция методикаси: Конъюнктивда битта лимбага параллел ва иккита радиал кесим қилинади. Шундай қилиб, шпатель киритилиб конъюнктива тортилганда куз олмаси абдукциясининг олди олинади. Операцион майдонга кириш яхши бўлиши учун ҳамда куз олмасини ташқарига форсирланган ротациясида мидриаз ва куз ичи босими ошишини олдини олиш учун мушакни бирикиш жойидан кесиш лозим. Шу мақсадда мушакнинг бирикиш жойига иккита чок қуйилади, мушак кесилади ва орқага тортилади. Шпатель билан операцион майдон очилади, бу узун цилиар артерияларни ҳамда ички тугри мушак физиологик бирикиш жойидан 14 мм орқада ётувчи вортикоз веналарни кесишни осонлаштиради. Келтирилган улчов линейкаси билан игнани утқизишга из қолдирилади. Бунда игна склера орқали утаётганда доим қуриниб туриши керак, чуқур қаватларга кириб кетмаслиги учун. Иккинчи ип худди шу усулда узун цилиар артерияларнинг бошка томонидан утқизилади. Склерал чоклар склерада уладиган мушак қоринчаси соҳасидан утиши керак, бунда мушакнинг уртаси ва ташқи қисми чокка тушмаслиги керак.

Томирлар ва мушак толаларини тулик боғлаб ташламаслик ҳамда чокни склера ва мушак қоринчасидан утиши бир хил бўлиши учун тугун боғлашнинг махсус техникаси қўлланилади. Оддий тугун урнига ипни турт марта айлантириш ва мушак толалари бўйлаб ясси қилиб ётқизиш керак. Якунида иккинчи ва учинчи тугун қилинади, бунда биринчи тугуннинг ҳолати узгармаслиги керак.

Конъюнктивга сурилувчи тугунли чоклар қуйилади.

Операциянинг қуйидаги қамчиликлари фаркланади:

1. кузнинг ички тугри мушагига чокни қуйиш қатъий талабларга қўра бажарилади, чунки томирлар ва мушаклар странгуляцияси ҳавфи юқори бўлади;

2. куз ички тугри мушагига чокни нокоррект куйиш томирлар ва мушак странгуляцияси натижасида ишемияга, кейинчалик дегенерация ва мушакнинг кискариш хусусияти йуколишига олиб келади. Шунинг учун утиш керакки, операция хажми одатдаги чегарада килинса куз олмасининг бирламчи жойлашуви узгармайди. Мушак массаси маълум бир кисмининг кисман учирилиши унинг таъсирини бирмунча камайтиради, лекин бу кейинчалик мушакда таранглашиш ошиши натижасида компенсация килинади.

Фаденоперация асосида куйидаги мушак механикасига доир фаразлар ётади. Катта одамнинг эмметропик кузи укининг узунлиги уртача 24,5 мм. Куз ички тугри мушагининг склерага ёпишган кисми бирламчи холатда 6,3 мм. Бунда бурчак улчами 30° булади. Куз олмаси аддукцияси ва бирламчи холатдан 30° гача келтирилиши мушакнинг куз олмасига ёпишган кисмининг анча камайишига олиб келади. Мушакнинг ёпишган кисми бор экан, унинг кискариш кучи ротацион хусусиятига боглиқ булади. Аддукция 30° дан ошганда мушак кискариш эффекти куз олмасининг айланма харакати ва оркага тортилишига булинади. Агар аддукция давом этса, айланиш вектори кискариб боради ва куз 100° га айланганда (назарий жихатдан) нолга тенг булади. Бу вақтда мушак таъсир йуналиши куз айланиш марказидан утади. Бунда мушакнинг куз олмасига ёпишиши йуколганда мушакнинг айланиш кучини хисоблаб топиш мумкин. 50° аддукция вақтида паретик фактор 7%, аддукция 60° булганда - 18%, аддукция 70° булганда - 35%, аддукция 80° булганда - 56%, аддукция 87° булганда - 75%.

Албатта, куз олмаси айланганда мушак ёпишиш сохасининг узгариши назарий схема хисобланади. Амалиётда бундай натижаларни фаденоперация ёрдамида олиш мумкин.

Масалан, фаденоперацияни ички тугри мушакда унинг физиологик бирикиш жойидан 13 мм масофада утказсак, мушак-механик мувозанат назарий хисобланганда 60° аддукцияга тенг булади.

Бунда бирламчи холатда паретик фактор 18% булади, бу эса мушакнинг резерв кучи катталиги боис юзага чикмайди. Бу паретик компонент тез катталашади ва 10° аддукцияда бирламчи мушак кучининг 35% га етади, 20° аддукцияда - 56%, 27° да эса -75%.

Кюпперс чокнинг 10, 12, 14, 15 ва 16 мм масофада жойлашувида мушакнинг ротацион хусусияти кучсизланиш эгрилигини хисоблаб чиккан. Келтирилган курсаткичлар ички тугри мушакка доир булса хам тугридан-тугри бошка тугри мушакларга хам тааллуқли булади.

Фаденоперацияга курсатмалар жуда куп, чунки бу усул бошқаларига караганда мушак кискариши ва куз олмаси айланишидаги иннервацион импульслар орасидаги мувозанатга дошчали таъсир курсата олади.

Behrens-Baumann W., Wolz U. (1978) [95] фикрича, тугри мушакни Кюпперс усулида фиксацияси ва ички тугри мушакни кучириш ва ташки тугри мушак резекцияси кочиш бурчаги доимий булмаган якинлашувчи гилайликларнинг барча холатларида эффектив таъсир курсатади.

De Decker W. (1983)[105] маълумотларига кура, ипли операция гилайлик бурчаги стабил булганда хам яхши таъсир килади. Кенгайтирилган рецессия операциясига караганда ипли операцияда гиперкоррекция частотаси кам кузатилади (13 ва 4%).

Чередниченко В.М., Мартыновская Л.В., Опиин А.Л. (1998)[88] фикрича, бу оператив даволаш усули техник жихатдан бажарилиши кийин ва турли асоратлар хавфи юкори (операция давомида узун орка цилиар артериялар, вортикоз веналар шикастланиши, чоклар сохасида тур парда пигментацияси, тур парда ёрилиши, мидриаз ва кейинчалик курув нервининг операци вактида кисилиши натижасидаги атрофияси). Шунинг учун гилайлик хирургияси амалиётига ипли операциянинг янги усули жорий килинган – тугри мушакнинг оркадан фиксацияси, яъни куз экватори ортидан мушакка иргитилган чок куйилади (Roth A., Sansonetti-Ferrario A., 1997)[128]. Бу усул афзаллиги: кам

травматик, консиз бажарилади, керак булганда фиксация килиб турувчи чокни олиб ташлаш мумкин.

Сусайтирувчи операцияларга тугри мушак хемиденервацияси хам киради (мушакка ботулотоксин-А киритилади).

БТ инъекцияси гилайликда 50 призматик дптр дан кам таъсир курсатади, операциядан кейинги 2-8 хафтада колдик гилайликда, паралитик гилайликда ва операция килиш мумкин булмаган, масалан эндокрин офтальмопатия актив фазасида, яллигланган ёки бужмайган кузли беморларда кулланилади. Хирургик даволаш каби инъекция натижаси фузия сакланган булса яхши булади.

Горизонтал гилайликда БТ инъекциялари 60% холатларда эффектив. Узоклашувчи гилайликка таъсир килиши кийин. Беморларнинг ярмидан ортиги препаратни кайта юборишга мухтож булади. Magoon E. (1982) [114] маълумотларига кура, болаларда БТ инъекцияси бинокуляр куришни саклашда ва амблиопия билан курашишда фойдали булади. Индейкин Е.Щ. (1991) БТ инъекцияси касаллик бошлангандан 6 ой муддатда кулланилган 33 та беморни даволаш натижаларини келтиради. 23 та (70 %) беморда кузлар симметрик жойлашувига эришилган ва диплопия йуколган, 4 та (12 %) беморда — диплопия камайган, 6 та (18 %) беморлар кейинчалик операция килинган. Параличнинг уткир боскичини 2 ойдан бошланади десак, 14 та бемордан 11 тасида (78 %) нормал бинокуляр куришга эришилган.

Медиал мушак хемиденервацияси камчиликларига бинокуляр курув майдони чекланиши, нейроофтальмологик симптомлар динамикаси сусайиши мисол булади.

Шундай килиб, якинлашувчи гилайликнинг кичик бурчакларини йукотишда мушак бутунлигини саклаб колувчи ва эффектив кайтариш имконини берадиган операцияларга мойиллик билдирилади.

Вертикал компонентли тугма экзотропияни хирургик даволаш тактикаси.

Хамкор вертикал девиацияли экзотропияни хирургик даволашда von Noorden (1980)[120] гилайликнинг бир компонентини, купинча агар микдори купрок булса горизонтал компонентни, операция килишни таклиф килади. Вертикал компонентни призматик ёки хирургик йул билан коррекция килиш масаласи аосий горизонтал компонент тугрилангандан сунгги холатга кура хал килинади. Худди шундай фикрни Аветисов Э.С. (1977)[1] хам келтиради. Hamburger F.A. (1978) фикрича, комбинирланган хирургик даволашда асоратлар хавфи кам ва натижа вертикал компонентсиз экзотропияни хирургик даволашдагидан кам. Польш В.Д. (1970) кам акс этган хамкор вертикал компонент булганда, уни иккиламчи деб атайди, оддий йул билан горизонтал компонентни операция килишни тавсия килади, унда купинча вертикал компонент хам йуколади.

Хамкор юкори вертикал компонент булса von Noorden буйича бир куздаги гилайлик горизонтал компонентини мушаклар рецессия-резекцияси билан тугрилаш давомида ташки ва ички тугри мушакларни хам вертикал йуналишда кучириш керак. Лекин Фостер ва Пембертон (1946) изланишларига кура, бундай силжитиш гилайликни 5-6° га камайтиради.

Парке (1972), пастки кийшик мушак 2-3 даражали гиперфункцияси билан экзотропия булган хар иккала кузда операция килганда, ички тугри мушаклар рецессияси билан бирга хар иккала кузда пастки кийшик мушакларни бушаштиришни хам утказган. Худди шундай тактикани Калачев И.И. (1992)[29] хам куллаган. У шундай хулосага келган, горизонтал ва вертикал таъсирли мушакларда горизонтал ва вертикал компонентларни бир лахзалик коррекцияси кейинги операциялардан афзалрок хамда мушак ва хирургик аралашувни танлашда хавфсиз ва кулай.

Лекин, бизнинг фикримизча, бир лахзалик коррекцияни дозалаш кийин ва функционал тузалишга эришишни кийинлаштиради.

Алазме А. (1992)[11] томонидан тавсия килинган тактик рекомандациялар яхши натижаларга эришиш имконини беради. Улар куйидагилардан иборат:

1. Икки томонлама юкори кийшик мушаклар сустлигида, юкорига альтернацияланувчи вертикал гилайликда хар иккала кузда пастки кийшик мушакни бушуштириш лозим;

2. Юкори кийшик мушакларнинг асимметрик икки томонлама сустлигида юир кузда пастки кийшик мушакни бушаштириш билан даволашни бошлаш керак;

3. Юкори кийшик мушак сустлиги хамда вертикал огишсиз горизонтал гилайликда хирургик муолажани горизонтал мушакларда утказиш лозим;

4. Якинлашувчи гилайлик билан бирга кучли гипераддукция ва юкори кийшик мушакнинг биринчи даражали сустлигида горизонтал мушакларни оепарция кили шва кейинчалик горизонтал гилайлик йукотилгач, юкори кийшик мушак холатини бахолаш керак. Кучли гипераддукция юкори кийшик мушакнинг ёлгон сустлигини курсатиши мумкин, енгил вертикал огиш эса ички тугри мушак бирикиш жойининг аномалиясига боглик булиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, икки томонлама юкори кийшик мушак етишмовчилиги булган гилайликни даволашнинг патогенетик жихатдан тугри даволаш усули хар иккала кузда антагонист — пастки кийшик мушак гиперфункциясини йукотиш хисобланади. Кейин горизонтал девиация колдик бурчагини коррекция килиш керак, бу Cuppers (1976)[114] фикрича, болаларга типик булган пастки кийшик мушак гиперфункциясида бинокуляр дискомфортга жавобан мослашиш жавоби хам булиши мумкин.

Пастки кийшик мушакни бушаштирувчи операциялар тури куп. Пастки кийшик мушакни тулик миотомияси Landoit B. (1885) буйича, склерага бирикиш жойида пастки кийшик мушакни тулик миотомияси Duington L.H. (1923) буйича, урта учлиги миоэктомияси Scott A.B.(1992)[29] ва Yampolsky A. (1965) буйича, хамда ботулотоксикн ёрдамида химик денервация Scott A.B.

(1973)[130] буйича. Бу усуллар факат тарихий нуктаи назардан эътиборга молик, чунки вертикал девиацияни тугрилашда эффективлиги кам ва кузни харакатлантириш анча микдорда бузилиши билан боради.

Замонавий офтальмохирургияда пастки кийшик мушакнинг олдинги транспозицияси кенг тадбик топди (Scott A.B., 1978; Monte A., 1993)[130]. Бунда пастки кийшик мушак лимбдан 6 мм масофада якинрокка тикилади, конъюнктива остидан куриниб туради, косметик дефект хосил килади. Мушакни бундай кучириш мушак текислиги йуналишини бузади, бу билан мушак функцияси хам бузилади.

Noorden G.K. von (1980)[121] пастки кийшик мушакдаги бушаштирувчи оепарциялардан (юкори тугри мушак параличида) миоэктомияни тавсия килади, уни гипертропияни камайитиришда энг яхши оператив усул деб хисоблайди. Бу операциядан ижобий натижа 85% холатда (112 та бемор) олинган. Toosi H.S., von Noorden G.K (1979)[119] ишларида курсатилгандек, пастки тугри мушак миоэктомияси унинг операциягача гиперфункция даражасига пропорционал боглик.

Krzysztoŭa K., Huczynska B. агар вертикал компонент 12 призматик дптр дан катта булса пастки кийшик мушак миоэктомиясини, агар кичик булса зет-миоэктомияни тавсия килишган. Пастки кийшик мушакни бушаштириш ошиб кетиши жуда кам кузатилган, лекин von Noorden G.K (1980)[121] фикрича, пастки кийшик мушак миоэктомияси агар кам акс этган гиперфункцияси булса унинг гиперфункциясига олиб келади. Шунингдек, асимметрик гиперфункцияда бир кузда минимал акс этган булса хам хар иккала пастки кийшик мушакларда миоэктомия утказилиши керак, бу куйидаги олмилар ишларида тасдикланган: Lee D.A.(1984)[112], Parks M.M. (1976)[124] ва б., акс холда минимал гиперфункция кучайиб кетади.

Алазме Арва (1992)[11] кандидатлик диссертациясида курсатганидек, миоэктомиядан олдин юкори кийшик мушак сустлиги хам булган гилайликда пастки кийшик мушак рецессиясини дозалаш мухим ахамиятга эга.

Пастки кийшик мушак рецессиясини Fink W.E. 1951 йилда таклиф килган, уни турли хил вариантларини Dyer Y.A. (1962), Parks M.M. (1983)[125] ишлаб чиққан. В.И.Емченко (2000)[26] фикрича, пастки кийшик мушак рецессияси билан бирга мушакнинг у ёки бу функциясини (вертикал, горизонтал ёки ротатор) бушаштириш мақсадида мушак бир қисми миоектомиясини утказиш лозим.

Хозирги кунда мамлакатимизда пастки кийшик мушак рецессияси Э.С.Аветисов (1977)[1] томонидан келтирилган усулда қилинади: лимб ташки қиргогидан 10-12 мм масофада конъюнктивада 12-15 мм ли вертикал кесим қилинади, ташки тугри мушак ажратилади, уни юқорига тортиб, пастки кийшик мушак склерага бирикиш жойидан 2-3 мм узокликда илмокчага олинади. Мушакка юқоридан ва пастдан 2 та чок қуйилади, чок мушак кенглигини $1/3$ қисмини олиши керак. Пастки кийшик мушак склерага бирикиш жойидан кесилади ва иккита олдин утказилган чоклар билан склердаги янги жойига, керакли масофада мушак текислиги буйлаб пастга ва олдинга тикилади.

Пастки кийшик мушак рецессияси усулларининг камчиликлари қуйидагилар ҳисобланади: 1) куз орқа полюсига кириш кийинлиги сабабли операция давомийлиги узок бўлади; 2) травматиклиги юқори (катта конъюнктивал жароҳат, Локвуд бойлами жароҳатланиши, мушак тикилаётганда склерани бевосита макула яқинида перфорацияси хавфи мавжудлиги); 3) мушакни нотулик кесиш хавфи, чунки у елпигичсимон ёйилиб бириккан бўлади.

Wilson M.E. (1989)[133] фикрича, юқори даражали яқинлашувчи гилайлик ҳамда пастки кийшик мушак гиперфункцияси бирга келганда горизонтал гилайликни йукотиш пастки кийшик мушак бирламчи гиперфункциясини бартараф қилинишига олиб келади. Бу ҳулосани А. Алазме (1992)[11] ҳам тасдиқлайди.

Пастки кийшик мушакни бушаштириш операцияларининг кузни горизонтал текисликда туришига таъсири жуда кам. М.Гобин фикрича,

эзотропияда гиперфункциядаги пастки кийшик мушакларни бушаштириш эзотропиянинг аккомодацион элементи йуколишига олиб келади. Kraft S.K., Scott W.E. (1984)[129] фикрича, пастки кийшик мушакларни бушаштириш тугма эзотропияда бир лахзада утказиладиган бимедиал рецессия эффектини камайтиради, шунинг учун бу ҳолатларда ички тугри мушаклар рецессияси дозасини ошириш лозим.

Cioplean D., Teodorescu D. (2004)[132] фикрича, горизонтал мушаклардаги операциялар билан бирга пастки кийшик мушаклар билатерал антериоризацияси утказилганда қайта узоклашувчи гилайликка олиб келади (60% ҳолатларда), пастки кийшик мушаклар рецессияси билан бирга килинганда эса 11% ҳолатда экзодевиация юз берган.

Шундай қилиб, яқинлашувчи гилайлик кичик бурчакларида бушаштирувчи операцияларни дозалаш, гиперэффект профилактикаси, бу операцияларда булиши мумкин гиперэффектнийукотиш технологиялари масалалари ечилмаганча қолмоқда. Ушбу муаммони ечиш бизнинг ишимизнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаб берди.

II БОБ

ТЕКШИРУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ


СамМИ клинкаси офтальмология бўлимида яқинлашувчи гилайлик бўйича хирургик даволанган 40 та беморда олинган узок муддатли натижалар таҳлил килинди. 40 та бемор болалар 15 тасини киз болалар, 25 тасини уғил болалар ташкил килди. Болалар ёши 4 ёшдан 12 ёшгача (1-диаграмма).



Биз текширув давомида беморларни ёшига кура ҳам таксимладик, бу 2-диаграммада акс этган.

Диаграмма №2

Беморларни ёшига кура таксимланиши



2- диаграммадан куришиб турибдики, барча беморлар орасида 4-6 ёшли болалар 18 та (45%), 7-9 ёшда – 12 та (30%), 10-12 ёшда – 10 та (25%) бемор кузатилди.

Беморларни текшириш усуллари

Беморларимиз СамМИ клиникаси офтальмология кафедрасида куриқдан утказилди.


Беморлар куйидаги текширувлардан утказилди:

1. Визиометрия
2. Рефрактометрия
3. Скиаскопия
4. Беластоцкий-Фридман рангли тести усулида бинокуляр куришни аниклаш ё
5. гилайлик бурчагини Гиршберг усулида аниклаш
6. Офтальмоскопия

2.1 Куриш уткирлигини аниклаш

Куриш уткирлиги аниклашда икки хил усулдан фойдаландик: Сивцев-Головин ва Орлова жадваллари хамда синов белгилари проектори ёрдамида. Болага тугри ва тинч утириш, кузни кисмасдан ва олдинга эгилмасдан караш тушунтирилди.

Куриш уткирлигини аниклаш учун жадваллар Рот аппаратида – деворлари ойнали ёритгичга куйилди (расм.1). ёритиш учун 40 Вт электрик лампа кулланилди, бемор томондан томча билан ёпилди. Ёритгичнинг пастки чегараси полдан 1,2 м баландликда жойлаштирилди.



Расм 2.1 Сивцев-Головин ва Орлова жадваллари

— ёшдан катта болаларда куриш уткирлигини аниклашда Сивцев-Головин харфли белгилар ёки расмлар (кичик ёшдаги болалар учун) жадвали буйича 5 м масофадан аникладик. Куриш уткирлигини аниклашнинг стандарт протоколига риоя килинди. Агар врач кабулига келгунча бола очки таккан булса куриш уткирлигини очки билан ва очкисиз холатда аникладик. Куриш уткирлиги 0.1 D булганда хисоблан формуласи $V = d/D$ бу ерда, V- куриш уткирлиги диоптрийда, d(м)- бола жадвалга келтирилгандан кейин текширув

утказилган масофа, $D(m)$ - куриш уткирлиги нормал булганда ушбу белги курилиши керак булган масофа (жадвалнинг чап томонида келтирилган). Шунингдек, куриш уткирлигини синов белгилари проектори ёрдамида ҳам аниқладик.

2.2 Рефракцияни аниқлаш

